

Ақийда дарслари (179-дарс). Таомнинг қавмга етиб, ортиб қолгунча кўпайтирилиши



19:00 / 19.04.2022 4894

تَوَصُّتْ عَمَّ سَدَقْلٍ مِّمَّيْلُسٍ مُّأَلَّحَلَطٍ وَبَأَلَقٍ لُّوْقِي هُنَّ هَلَلَا يَضَرَّ سَنَأَنَع
نَمَكْدُنْعَلَهَفَ، عَوْجُلَهَيَفُ فُرْعَأَفِ يَغَضُ مَلَسُو هِيَلَعِ هَلَلَا يَلَصُّ هَلَلَا لُوسَر
زُبْخُلَاتَّفَلَفَ، أَهَلْ أَرَامْخُ تَجَّحْأُمُثْ يَرْيَغَشْ نَمَ أَصَارُقَأُ تَجَّحْأَفُ. مَمَعَنُ: تَلَأَقُ؟ يُؤَيَش
هَلَلَا لُوسَرَّ يَلِي نُنْتَلَسْرَأُمُثْ هُوَضْعَبِبُ يَنْتَالَوِ، يَدَي تَحْتُهُ تَسَدُّ مُثْ هُوَضْعَبِبُ
سَانَلَأَهَمَّ وَدِجَسَمَلَا يِفُ هُوَ تَدَجَّوَفْ هُوَبُ تَبَهَدَفْ: لَأَقُ، مَلَسُو هِيَلَعِ هَلَلَا يَلَصُّ
وَبَأَكَلَسْرَأُ: «مَلَسُو هِيَلَعِ هَلَلَا يَلَصُّ هَلَلَا لُوسَرَّ يَلَلَأَقُ فِ، مَهِيَلَعُ تَمُقَفِ
هَلَلَا يَلَصُّ هَلَلَا لُوسَرَّ لَأَقُ فِ. مَمَعَنُ: تَلُقَفِ «؟مَاعَطَبُ»: لَأَقُ. مَمَعَنُ: تَلُقَفِ «؟هَحَلَطِ
أَبَأُتَّيْجُ يَتَّحُ، مَهِيَدِيَأُنِّيَبُ تَقَلَطْنِ أَوْ قَلَطْنِ أَفِ. «أَوْمُوقُ»: هَعَمَنْ مَلَسُو هِيَلَعِ
هَلَلَا يَلَصُّ هَلَلَا لُوسَرَّ عَاجْ دَقْمِ مِيْلُسٍ مُّأَي: هَحَلَطِ وَبَأَلَقُ فِ، هُوَ تَرْبَحْأَفَ هَحَلَطِ
مَلْعَأُ هَلُوسَرَّوْ هَلَلَا: تَلَأَقُ فِ، مَهْمُ عَطْنِ أَمَ أَنْدَنْعِ سَيَلَّوَسَانَلِلَابِ مَلَسُو هِيَلَعِ

لَا قَفُّ عَمَّ عَاجَفٍ مَلَسُوهُ يَلْعَلُ لِي لَصِيحَةٍ لَلْأُسْرَى لِي لَعَلَّ طَوْبًا قَلَطْنَا فِ
تَتَأْفُ. «كَذَنِّعَ امْرَأَتِي لَسُّ مَأْيِ مَيْلَهُ» : مَلَسُوهُ يَلْعَلُ لِي لَصِيحَةٍ لَلْأُسْرَى
مُأْتَرَصَعًا وَتُفَفٍ مَلَسُوهُ يَلْعَلُ لِي لَصِيحَةٍ لَلْأُسْرَى رِبَّ رَمَأْفٍ زُبْحَلَا كَلَدِ
عَاشَ امْرَأَتِي مَلَسُوهُ يَلْعَلُ لِي لَصِيحَةٍ لَلْأُسْرَى رِبَّ رَمَأْفٍ زُبْحَلَا كَلَدِ
، أَوْجَحَّ مَثُ أَوْعَبَّ شَيْتَحَ أَوْلَكَ أَفْ مَهَلَّ نَدَأْفٍ. «رَشَعَلْ نَدَائِ» : لَأَقَّ مَثُ ، لَوُقَيَّ نَأْ هَلَلَا
نَدَائِ» : لَأَقَّ مَثُ ، أَوْجَحَّ مَثُ أَوْعَبَّ شَيْتَحَ أَوْلَكَ أَفْ مَهَلَّ نَدَأْفٍ. «رَشَعَلْ نَدَائِ» : لَأَقَّ مَثُ
لَكَ أَفٍ. «رَشَعَلْ نَدَائِ» : لَأَقَّ مَثُ ، أَوْجَحَّ مَثُ أَوْعَبَّ شَيْتَحَ أَوْلَكَ أَفْ مَهَلَّ نَدَأْفٍ. «رَشَعَلْ
دُوَادِ أَبَا لِي إِسْمَخَلَا هَاوَرِ ، أَلْجَرَّ نُونًا مَثُ وَأَنْوَعَبَّ سُمُوقَلَاوِ ، أَوْعَبَّ شَوْ مَهَلَّ كُمُوقَلَا

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Абу Толҳа Умму Сулаймга:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг овозлари заифлигини эшитдим. Ул зотнинг оч эканликларини биламан. Сенда бирор нарса борми?» деди.

«Ҳа», деди-да, бир неча арпа нони олиб чиқди. Кейин рўмолини олиб чиқиб, унинг бир тарафи ила нонни ўради. Сўнгра уни менинг қўлтиғимга қистириб туриб, у(рўмол)нинг баъзиси билан мени ўради. Кейин мени Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига юборди. Мен бориб, у зотни масжиддан топдим. Ул зот билан бошқа одамлар ҳам бор эди. Мен уларнинг тепаларига бориб, индамай туравердим. Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам менга:

«Сени Абу Толҳа юбордими?» дедилар. «Ҳа», дедим.

«Таом биланми?» дедилар. «Ҳа», дедим.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ўзлари билан бирга бўлганларга: «Туринглар», дедилар-да, юриб қолдилар. Мен ҳам олдиларига тушиб олиб, юриб кетавердим. Абу Толҳанинг олдига бориб, хабарни айтдим. Абу Толҳа: «Эй Умму Сулайм! Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам одамларни олиб келдилар. Бизнинг эса уларга берадиган таомимиз йўқ-ку!» деди. «Аллоҳ ва Унинг Расули билувчироқ», деди Умму Сулайм. Абу Толҳа Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг олдиларига бориб, у зотни бошлаб келди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Эй Умму Сулайм, ўзингда борини олиб кел», дедилар. Умму Сулайм ҳалиги нонларни олиб келди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам амр қилдилар, улар синдирилди. Умму Сулайм ёғ мешини сиқиб, ичидаги бор нарсани чиқарди. Сўнгра Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам унга

қараб, Аллоҳ хоҳлаган нарсаларни айтдилар. Кейин:

«Ўнтага изн бер», дедилар. Уларга изн берди. Улар тўйгунларича еб, кейин чиқдилар. Сўнг у зот:

«Ўнтага изн бер», дедилар. Уларга изн берди. Улар тўйгунларича еб, кейин чиқдилар. Сўнг у зот:

«Ўнтага изн бер», дедилар. Уларга изн берди. Улар тўйгунларича еб, кейин чиқдилар. Сўнг у зот:

«Ўнтага изн бер», дедилар. Уларга изн берди. Бас, қавмнинг ҳаммаси тўйгунларича едилар. Қавм етмиш ёки саксон киши эдилар».

Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди